



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 9 октябрь, № 208 (9103)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН РЕЖА ВА ТАКЛИФЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев электротехника саноатини янада ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу йўналишда изчил ислохотлар амалга оширилиб, замонавий қувватлар барпо этилди, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари ортиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг 9 ойида тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 16,3 фоизга ўсиб, 34 триллион сўмга етди. Экспорт 970 миллион долларни ташкил қилди.

Шу билан бирга, соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Хусусан, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улушини ошириш, мисни чуқур қайта ишлаш ва экспортни диверсификация қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айни вақтда мис маҳсулотлари экспортнинг атиги 60 фоизи юқори қўшилган қийматли товарлар улушига тўғри келяпти.

Тақдимотда мамлакатимизда чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш, бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар кўриб чиқилди. Жумладан, мисни харид қилишда чегирма тақдим этиш, кредит фоизларининг 5 фоиздан юқори қисmini давлат томонидан қоплаш, солиқ ва божхона тўловлари бўйича енгилликлар бериш режалаштирилган.

Тармоқда аънавий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бирга юқори технологик турларини ўзлаштириш, жумладан, электроника ва яримўтказгичлар соҳасига кириб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Янги лойиҳалар ҳисобига келгуси йилларда юртимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми 250 минг тоннага, 2030 йилга бориб эса 500 минг тоннага етиши кутилмоқда. Мутасаддилар ушбу хомашё ба-

засидан фойдаланиб, унинг негизига юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар тўғрисида ахборот берди. Серверлар, саноат электроникаси, кондиционерлар, қуёш панеллари, назорат-ўлчов ва автоматика воситалари, смарт-карталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шулар жумласидан. Умуман, бу йўналишда 2,1 миллиард долларлик 157 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, улар орқали 14,5 минг янги иш ўрни яратилади.

Тақдимотда ҳудудлардаги электротехника технопаркларининг фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

Айни пайтда миллий маҳсулотларини мизни халқро бозорларга чиқариш имкониятлари кенгаймоқда. Ўзбекистон стандартлар институти Халқаро электротехника комиссияси баҳолаш схемасига аъзо орган сифатида қабул қилинди. Бу мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сертификатларининг 53 давлатда тан олинганини таъминлайди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги европалик ҳамкорлар билан мувофиқлиқни баҳолаш тизимини йўлга қўймоқда. Бу орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга Евроиттifoқ талабларига мослиқни тасдиқловчи "CE" белгиси берилади. Бу эса Европада экспорт ҳажмини камида икки баробар ошириш имконини яратади.

Давлатимиз раҳбари режалаштирилган чора-тадбирлар ва лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, экспортнинг ўсиш суръатларини сақлаб қолиб, янги бозорларга чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берди.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан биридир. Турли хатарлар пайдо бўлаётган ҳозирги замонда фавқулодда вазиятлар органлари тизимини ҳам такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Соҳада 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да ҳалигача фавқулодда вазиятлар муҳофазаси бўйича комплекс дастур йўқ. Бундан 16 йил олдин қабул қилинган "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

Шу боис фавқулодда вазиятларни олдиндан баҳолаб, тезкор ва проактив ишлайдиган тизим яратиш вазифаси қўйилган.

Тақдимотда мутасаддилар шу борадаги таҳлил натижалари, мавжуд муаммолар ва таклифларини баён қилди.

Ҳозир фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари, асосан, давлат идораларида амалга ошириляпти. Лекин бундай ҳолатларнинг 70 фоиздан ортиги аҳоли хонадонларида носоз, мuddати ўтган газ ва электр жиҳозлардан фойдаланиш, хавфсизлик маданиятига риоя қилмаслик оқибатида юзага келяпти.

Шунинг учун тизим ишини маҳалла-ларда ташкил этиб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфсизлик маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар билан ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча ва хонадонни қамраб олиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада рақамли технологиялар ва замонавий техник воситалардан фойдаланиш даражаси анча паст, бу борадаги ишлар ҳанузгача замон талабларига мослаштирилмаган.

Шу боис соҳада рақамли инфратузилма яратиш, фавқулодда вазият ҳақида хабар беришдан бошлаб, уни тўлиқ бартараф этишгача бўлган ҳамма жараёнларни рақамлаштириш, шунингдек, янги ишлаш механизмларини жорий этиш бўйича топшириқ берилди.

Фавқулодда вазиятларни тезкор бартараф қилиш учун замонавий техника ва жиҳозларни кўпайтириш, уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча тармоқлар трансформация бўляпти, қурилиш индустрияси ўзгармоқда. Ҳамма соҳаларда "яшил" технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Улар орқали юзага келиши мумкин бўлган янги турдаги техноген хавфларни баҳолаб, олдини олиш учун замонавий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш долзарблиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида дуал таълимни йўлга қўйиш ва малака ошириш марказини ташкил этиш, профессионал кўтарувчиларни тайёрлаш, ўқитиш ва илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш топширилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОЖИКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳрида ўтадиган «Марказий Осиё — Россия» форматдаги иккинчи саммит ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этади.

Бўлажак тадбирлар кун тартибидан кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, шу жумладан, сиёсий мулоқотни мустақамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, энергетика ва инфратузилма соҳаларида кооперация қилиш, фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш масалалари ўрин олган.

Етакчилар халқро кун тартиби ва минтақавий хавфсизлиқни таъминлашнинг долзарб жиҳатларини ҳам муҳокама қиладилар.

Саммитлар якунида амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилган қатор қўшма ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон — МДҲ: ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ПЛАТФОРМАСИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 9-10 октябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида ва "Марказий Осиё — Россия" мулоқоти шаклидаги навбатдаги саммитда иштирок этади.

Биз ва жаҳон

Сўнгги йилларда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан кўп томонлама муносабатларни фаол ривожлантириб келмоқда. Бундай ҳамкорлик алоқаларининг янада яхшиланишига Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан боғланганлиги эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, минтақавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимиз тақдирининг муштараклиги ҳам асос бўлаётди.

Қайд этиш кераки, давлатимиз раҳбари ўтган саммитларда МДҲ мамлакатлари тараққиётига ҳамда халқларимиз фаровонлигига хизмат қилаётган 100 дан ортиқ ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон илк бора 2020 йилда МДҲга раислик ҳам қилди. Ўзбекистон сўнгги саккиз йилда имзоланган 24 та кўп томонлама ҳужжат, МДҲ олий органларининг 22 та қарори ва 20 дан ортиқ соҳавий ҳамкорлик органларига қўшилди.

Мамлакатимиз МДҲ доирасида барча соҳада ҳамкорлигининг илмий динамикасини сақлаб келмоқда. Хусусан, ушбу бирлашма маконда Ўзбекистон учун кўп томонлама савдо-иқтисодий шериклик асосий йўналиш қаторида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимиз ташки савдо айланмасининг 35,1 фоизи МДҲ давлатлари ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, 2024 йилда республиканинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро савдоси 23,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон ҳудудида Ҳамдўстлик давлатлари капиталли иштирокидаги 5,5 мингта компания муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Худудларо савдонинг рағбатлантириш мақсадида МДҲ давлатларида 130 дан ортиқ махсус иқтисодий зоналар фаолият кўрсатмоқда, чегаравий савдо зоналари ҳам ташкил этиляпти.

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 8 октябрь кунин Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтган саммитдаги нутқида ва 25 декабрь кунин Санкт-Петербургда бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида ҳамкорлиқнинг иқтисодий йўналишида биргаликдаги фаолиятни кучайтириш устувор вазифа эканини қайд этди.

Савдо-иқтисодий соҳада МДҲнинг асосий ютуғи сифатида ўзаро савдонинг кенгайтириш, савдо муносабатларидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш учун қулай шарт-шароитларни яратадиган эркин савдо зонаси

тўғрисидаги шартнома имзоланганини ургулаш даркор.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан замонавий таҳдидларга қарши биргаликда курашишда ҳам яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. МДҲ доирасида терроризмга қарши кураш маркази ташкил этилди, у терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш соҳасида иштирокчи давлатларнинг ваколатли органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи иختисослаштирилган тармок органи ҳисобланади.

2024 йилда Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш доирасида МДҲга аъзо давлатлар бўйича доимий халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш ва инфратузилмани оптималлаштириш бўйича ҳаракатлар режаси, 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган дерадикализация соҳасидаги ҳамкорлик дастури ва бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари таклифи билан Тошкент шаҳрида МДҲ мамлакатлари таҳлилий марказларининг "Узоқ муddатли ҳамкорлик учун янги кун тартиби" мавзуида халқаро конференцияда муҳим таклифлар ва ташаббуслар ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳри МДҲ Иқтисодий кенгаши мажлиси, Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ҳудудларо биринчи форуми ва биринчи Инновацион ривожланиш форумини қабул қилди.

МДҲ Иқтисодий кенгаши мажлисида ушбу тизимга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка оид кенг қўламли масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, МДҲ органларини молиялаштириш, статистика, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда бошқа бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Биринчи Ҳамдўстлик ҳудудларо форумида жаҳон савдосидаги глобал жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ташкилотга аъзо мамлакатларда савдо муносабатларини рағбатлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар, жумладан, МДҲ доирасида Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Битим салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, товарлар ва хизматлар ҳаракати йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, савдо тартиб-қоидалари ва юқ ташишни рақамлаштириш, минтақавий ҳамкорлик лойиҳаларини фаол жалб қилиш орқали кенгайтириш таклиф этилди.

➡ 3

Онлайн учрашув

Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги кўприк

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева "Бетарафлик дўстлари" гуруҳига аъзо мамлакатлар парламентлари раҳбарларининг иккинчи учрашувида иштирок этди.

Видеоконференцалока форматдаги тадбир Туркмистон Миллий Кенгаши Мажлиси томонидан ташкил қилинган бўлиб, "Парламентларо мулоқот — дунёда тинчлик ва ишончни таъминлашнинг муҳим воситаси" мавзуга бағишланди.

Унда мазкур гуруҳга аъзо мамлакатлар парламентлари, парламентларо ташкилотлар, Парламентларо Иттифоқ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентларо Ассамблеяси раҳбарлари ва вакиллари қатнашди.

Учрашувда парламентаризмнинг замонавий глобал қаҳирчлар шароитидаги роли, парламентлар ўртасида сиёсий-

дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни янада чуқурлаштириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда қонун чиқарувчи органлар ҳамкорлигини ривожлантириш, илғор тажрибалар ва миллий амалий ёндашувларни алмаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сенат Раиси ўз нутқида геосиёсий зиддиятлар, хавфсизлик таҳдидлари, ижтимоий инқирозлар ортиб бораётган бир пайтда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қатъий иродаси туфайли бугун минтақамизда дўстлик, очкилик ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топаётганини айтиб ўтди.



Муносабат

ТУРКИЙ БИРДАМЛИК – ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Бугун глобал геосиёсий жараёнлар турли йўналишларда янги тус олмақда. Юзага келаётган хавфсизликка таҳдидлар, иқтисодий ноаниқлик, янги технологиялар рақобати ва гуманитар инқирозлар шароитида минтақавий ҳамкорлик барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда.

Шу жиҳатдан, 7 октябрь кунин Озарбайжоннинг Габаля шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити нафақат қардош халқлар мулоқоти, балки янги геоиқтисодий ва геостратегик моделнинг шаклланиш майдони-га айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги нутқи айнан шу маънода катта тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари сўзларида замон талаби — янгилаштириш фаолиятини ҳаётга таъбиқ этиш йўлидаги қатъий сиёсий иро-

да ва амалий ташаббуслар мужассам.

Кези келганда бир тарихий рақамларни келтириб ўтсак. Биргина 2019 — 2024 йиллар оралиғида мамлакатимиз 80 га яқин тақлиф ва ташаббуслар билан чиққан. Улар орасида транспорт ва логистика соҳасидаги йўллардан тортиб ёшлар сиёсати, таълим ва маданиятдаги ҳамкорлигача бўлган кенг қамровли йўналишлар мавжуд.

Мамлакатимизнинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги иқтисодий фаолияти самараси аниқ рақамлар-

ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ТЕХНОПАРКЛАР СОНИ ҚУЙИДАГИЧА:



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Манба: Миллий статистика қўмитаси.





Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги кўприк

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёевнинг “ёпиқ чегаралар ва ҳал этилмаган низолар даври ортда қолди, минтақада Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланди” деган фикрлари бунга мисол бўлиши таъкидланди.

Шунингдек, бугун Марказий Осиё — бу янги сифатдаги минтақавий бирлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли эканлиги, парламентлар эса мазкур жараёнда муҳим кўприк вазифасини бажараётганини қайд этиб ўтди.

“Биз қонунчилик орқали нафақат ички сиёсатни, балки минтақавий ҳамкорлик ва ишонч муҳитини ҳам мустаҳкамлаймиз. Ҳозирги замонавий шароитда парламентлар халқлар манфаатларида тинчлик, ишонч ва адолатни мустаҳкамлашда тобора муҳим роль ўйнамоқда”, деди Сенат Раиси.

Учрашув якунида томонлар парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга оид келишув ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Тадбир

Коррупцияга қарши курашиш учун давлат гранти ажратиладиган бўлди

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда иккинчи давлат гранти танловни якунлари муҳокама этилиб, учинчи танловни эълон қилиш масаласи, шунингдек, бир қатор фуқаролик жамияти институтларининг мурожаатлари қўриб чиқилди.

Танловда фуқаролик жамияти институтларидан жами 618 та ариза қабул қилиниб, Парламент комиссияси ҳулосасига кўра, 66 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Мажлисида, 12 та йўналиш бўйича, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган навбатдаги давлат гранти танловини эълон қилиш бўйича қарор чиқарилди. Ушбу танлов доирасида жами 5,8 млрд. сўм маблағ ҳисобидан фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш режалаштирилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари ташаббуслари орқали ҳар бир ҳудуд ва соҳалар кесимида маиший

коррупция ҳолатларини келтириб чиқарадиган омилларни бартараф этишга қаратилган Навоий тажрибаси, шунингдек, бир қатор фуқаролик жамияти институтларининг мурожаатлари қўриб чиқилди.

Тажриба доирасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, аҳоли фикри ва жамоатчилик муносабатини ўрганиш, шу асосда лойиҳалаётган амалга ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Парламент комиссияси мажлисида фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларнинг ихро ҳолати ва самарадорлиги, Жамоат фонди маблағларининг мақсадли сарфланиши ҳамда ҳудудларда сакланиб қолаётган муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини янада ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Масъуллар фаолиятига қонуний чора кўрилади

Ижтимоий тармоқларда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида ҳоким ўринбосари томонидан маҳалла фаоллари, шунингдек, Бухоро вилоятида кутубхоначилар пахта теримига чиқишга мажбурланаётгани тўғрисида хабарлар тарқалмоқда.

Расмий муносабат

Мазкур масалалар Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия томонидан нозаратга олинган. Ушбу ҳолатлар зудлик билан ўрганилиб, масъуллар фаолиятига қонуний чора кўрилади ва ўрганиш натижалари бўйича қўшимча ахборот берилади.

Аввал хабар қилинганидек, ўтказилган мониторинг натижаларида мажбурий меҳнатга йўл қўйган 3 нафар мансабдор шахсга МЖТКнинг 51-моддаси 1-қисмига кўра чора кўрилган.

Азиз юртдошлар!

Агар сиз мажбурий тарзда бирор-бир меҳнатга жалб этиш, муносиб меҳнат ва дам олиш шaroитларини яратиш билан боғлиқ муаммоларга душ келсангиз “1176” ҳамда “1092” рақамли “Ишонч телефонлари”га мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳар бир маълумот ва мурожаат белгиланган тартибда тезкорлик билан ўрганиб чиқилади ва зарур чоралар кўрилади. Мурожаатчининг розилигисиз шахсга доир маълумот ошкор этилмаслиги қафолатланади.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Ҳамжиҳатлик сари мустаҳкам қадам

Бугунги беқарор ва тез ўзгариб бораётган геосиёсий вазият шароитида глобал муаммоларнинг ечими, барқарор тараққиёт ҳамда хавфсизлиқни таъминлаш масалалари барчамиздан узокни кўзлайдиган сиёсий етуқлик ва амалий ҳамкорлиқни талаб қилмоқда. Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясида ҳам дунё етакчиларининг нутқ ва ёндашувлари бу борада ягона позициянинг ҳали шаклланмаганини яққол намоён этди.

Афсуски, Ғазо секторидagi фожиа, Украина атрофидаги нотинч вазият, Эрон ядро дастури билан боғлиқ муаммолар ва Афғонистондаги мураккаблик нафақат муайян минтақалар, балки бутун инсоният хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Бу ўта жиддий глобал муаммолар замонавий дунё тартиботи, халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши ролини қайта кўриб чиқиш зарурилигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Айнан шундай мураккаб шароитда 6-7 октябрь кунлари Озарбайжонда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити барча диққат-эътиборни ўзига қаратди, десак, муболага бўлмайди. Эътиборга молик жиҳати, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу саммитдаги иштирокида глобал жараёнларга ҳолис баҳо бериб, туркий мамлакатлар ўртасидаги узвий ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор амалий ташаббусларни илгари сурди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, шубҳасиз, бу саммит нафақат минтақавий, балки кенг халқаро аҳамиятга эга бўлган воқелик сифатида тарихга муҳрланади.

Таъкидлаш жоизки, Туркий давлатлар ташкилоти сўнгги йилларда халқаро миқёсда таъсирчан тузилмага айланиб бормоқда. Юскак даражадаги сиёсий мулоқот, ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик бугунги кунда аниқ натижалар билан намоён бўлмоқда. Ташкилот доирасида 35 дан ортиқ йўналишлардаги ҳамкорлик фаол ривожланиб, ўз навбатида, мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми ҳам изчиллик билан ошиб бораётди.

Туркий давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорлиқни институционал асосда ривожлантириш, саноат кооперациясини кучайтириш ва “ашил” иқтисодиёт сари узвий ҳаракатларни мувофиқлаштириш долзарб вазифалардан бири. Бу борада иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгаш тузиш, унинг лойиҳа офисини Тошкентда joyлаштириш, Туркий саноат альянсини шакллантириш, “Туркий яшил йўлаklar” электрон тизимини жорий қилиш ҳамда “Яшил трансформация” консорциумини ташкил этиш каби аниқ йўналишлар кўзда тутилди. Айнисча, “хомашё — қайта ишлаш — илм ва технологиялар — тайёр маҳсулот” занжирини асосида амалий ҳамкорлик дастурини ишлаб

чиқиш ғоясини саноат кооперациясини янги босқичга олиб чиқиши муқаррар.

Шу ўринда транспорт ва логистика соҳаси туркий ҳамкорлиқнинг стратегик устувор йўналиш эканини таъкидлаш жоиз. Ўрта коридорни ривожлантириш, уни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ҳамда Трансафғон йўлаги билан боғлаш бутун минтақа учун улкан имкониятлар эшигини очади. Рақамлаштирилган божхона тартиботи, мақбул транзит тарифлари ва инфратузилмавий лойиҳаларни мувофиқлаштириш каби амалий чоралар транспорт соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлайди. Бу масалалар 12 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ўтадиган Мульти-modal ташувлар форумида ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Маълумки, маърифат ва илм-фан барқарор тараққиётнинг негизи ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда таълим ва инновация соҳасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш — бугунги кун талаби. Шу маънода, Туркий давлатлар халқаро университетининг Ўзбекистонда фаолият юрита бошлаши, “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари”ни ташкил этиш, иқтидорли олимларни рағбатлантириш дастурини тайёрлаш туркий халқларнинг интеллектуал салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган.

Ёшлар орасида радикал ғояларга қарши курашиш, исломофобияга қарши ҳамжиҳатликда чиқиш ва экологик билимларни ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиши ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Туркий давлатлар ташкилотининг Габала шаҳридаги навбатдаги саммитида муҳокама қилинган устувор масалалар, қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувлар қардош мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли шерикликка асосланган очиқ, прагматик ҳамда амалий ташаббуслари ушбу жараёнда муҳим ўрин тутиб, ташкилот доирасидаги ҳамжиҳатлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Содиқжон ТУРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси аъзоси.

ТУРКИЙ БИРДАМЛИК — ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Президентимиз нутқидаги асосий ғоя бугунги мураккаб геосиёсий шароитда туркий ҳамкорлиқни прагматик мазмунда ривожлантириш, яъни уни фақат тарихий ва маданий ақинлик эмас, балки иқтисодий, транспорт, таълим ва хавфсизлик соҳаларида аниқ амалий дастурлар орқали мустаҳкамлашдир. Бу, ўз навбатида, туркий давлатларнинг умумий манфаатларини ҳўмон қилиш, минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган стратегик ёндашувдир.

Давлатимиз етакчиси ўз нутқини самимий ва дўстона руҳда бошлади. Унинг Габала шаҳрини “Буюк Ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият марказларидан бири” сифатида тилга олиши тарихий меросни замонавий сиёсий маъно билан уйғунлаштириш намунаси. Бу сўзлар орқали у нафақат Озарбайжон халқига ҳўрмат изҳор қилди, балки туркий дунё бирдамлигининг маънавий асосларини ҳам қайта ёдга солди.

Габалада янграган сўзлар бу шунчаки дипломатик баёнот эмас, балки янги туркий геосиёсий парадигманинг концептуал асоси эди. Замоннинг дақиқ сиёсий манзараси, ҳажон иқтисодиётидаги мураккаб тенденциялар ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ таҳдидлар чукр таҳлил этилди. Бу таҳлиллар ортида инсонпарварлик ва маънавий аяғиланиш ғоясини ётгани алоҳида аҳамиятга эга. Ҳақиқат ва ҳамжиҳатлик сиёсий манфаатлардан устун қўйилди. Илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар бу туркий бирдамлигининг янги маъносини, XXI асрда қардош халқлар бирлашувининг интеллектуал ва маънавий пойдеворидир.

Шу жиҳатдан, мазкур нутқни таҳлил қилиш бу фақат сиёсий воқеани шарҳлаш эмас, балки Туркий давлатлар ташкилотининг янги тарихий йўналишини ағлашдир. Бу нутқ қардош халқларнинг умумий келажак йўлини белгиллаган “Габала манифести” бўлиб, у ҳам сиёсат, ҳам маданият, ҳам маънавият май-

донида янги даврни бошлаб берди. Билдирилган фикрларда икки муҳим жиҳат ажралиб туради. Биринчиси, ташкилот фаолиятида инсон омилли ва билим иқтисодиётига алоҳида эътибор беришдир. Таъкидланганидек, янги авлод мутахассисларини тайёрлаш, ёшлар ўртасида инновациялар ғояларини қўллаб-қувватлаш, таълим ва илмий алоқаларни кенгайтириш орқали туркий ҳамжамиятнинг интеллектуал салоҳияти юксалади. Иккинчиси, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва транспорт йўлаklarини диверсификация қилиш масаласи. Ўзбекистон бу борада Марказий ва Жанубий Осиё, Кавказ ҳамда Европани боғловчи стратегик марказ сифатида ўзини кўрсатмоқда. Бу ҳақдаги таклифлар туркий давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси ва инвестиция оқимларини ошириш, янги логистика занжирларини яратиш имконини беради.

Нутқинг яна бир муҳим қирраси — маданий-гуманитар ҳамкорлиқни чуқурлаштириш орқали умумий қадриятларни асраш ва замонавий тарғибот усулларини кучайтириш. Бу йўналишда туркий тили давлатлар ОАВ, таълим ва маданият муассасалари ўртасидаги шерикликнинг кенгайтиши айнаи долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Президентимизнинг нутқи бу нафақат давлат раҳбари баёноти, балки янги дипломатик форматни белгиллаб берган стратегик дастурдир. Унда тарихий мерос билан замонавий сиёсат ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлди. Бугунги туркий бирдамлик бу келажак авлод учун барқарор ривожланишнинг қафолати деган қараш ҳажон миқёсидаги интеграция жараёнидаги Ўзбекистоннинг мувозанатли ва конструктив ёндашувини яққол намоён этди.

Нутқдаги энг муҳим жиҳат — минтақавий тинчлик ва хавфсизлик масаласига берилган кенг сиёсий талқин. Дунёдаги мураккаб геосиёсий вазият ҳолис баҳоланар экан, туркий давлатларнинг ҳажон сиёсий тизимида мустақил позицияга эга бўлиши, ўз сўзини айта

оладиган куч сифатида ўзини намоён қилиши заруриги таъкидланди. Шу билан бирга, БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши тизимини ислох этиш заруриги тилга олинди. Бу фикрлар Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий тамойилларидан бири — адолатли ва инклюзив глобал тизим куриш ғоясини яққол ифода қилади.

Туркий давлатлар ташкилоти ташки ишлар вазирлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг биргалликдаги учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш ҳақидаги таклиф эса амалиётга қаратилган, реал механизм яратиш ташаббуслари. Мазкур учрашувларнинг илк босқичини Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклиф этилди. Бу нафақат Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги, балки минтақадаги ишонч ва мулоқот муҳитини мустаҳкамлашдаги етакчи ролини ҳам намоён қилди.

Таъкидландики, Туркий давлатлар ташкилотини сиёсий ёки маданий тузилма сифатида эмас, балки иқтисодий ҳамжиҳатлик майдони сифатида ҳам кўриш керак. Шу маънода, 2030 йилгача бўлган Туркий давлатлар ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, саноат, энергетика, транспорт ва инвестиция соҳаларидаги тараққиётга салмоқли ҳисса қўшади. Ўзбекистон бу жараёнда илгари сурган асосий ғоя янги иқтисодий имкониятлар маконини яратишдир. Бу ташаббус савдо тўсиқларини қисқартириш, ягона регламларни, рақамли логистика ва “ашил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этишни ўз ичига олади.

Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгашини ташкил этиш ва унинг Лойиҳа офисини Тошкентда joyлаштириш таклифи Ўзбекистоннинг ташаббускор ва марказий ролини яна бир бор тасдиқлади. Бу таклиф амалга оширилса, туркий давлатлар ўзаро лойиҳаларни мувофиқлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва бизнес ҳамжамияти билан алоқаларни тизимли йўлга қўйиш имконига эга бўлади.

Яна бир таклиф — Туркий давлатларнинг саноат альянсини тузиш бўлиб, у қардош мамлакатлар саноати ва илмий салоҳиятини бирлаштиришни назарда тутди. Бу айнисча, машинасозлик, фармацевтика, нефть-кимё, озик-овқат ва қурилиш соҳаларида янги ишлаб чиқариш занжирларини яратиш имконини бериши мумкин.

Шунингдек, нутқдаги транспорт ва транзит йўлаklarига бағишланган фикрлар алоҳида аҳамият касб этади. Ўрта коридор лойиҳасини жадал ривожлантириш Хитойдан Европача бўлган йўлнинг энг қисқа ва самарали йўналиши бўлиб, Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Трансафғон йўлагини боғлаш орқали бутун Евроосиё маконида кўп тармоқли стратегик магистраллар тизимини яратилади. Бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам туркий давлатларнинг ҳажон иқтисодиётидаги ролини кучайтиради.

Ушбу ташаббусларни амалга ошириш учун Тошкентда Мульти-modal ташувлар бўйича халқаро форум ташкил қилиниши кутилмоқда. Мазкур тадбирда нафақат транспорт вазирлари, балки йирик логистика компаниялари ва экспортлар иштирок этади, бу эса туркий интеграциянинг амалий босқичга кирганини ағлатади.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили бугун дунёдаги қўллаб муаммоларга илмий ва маънавий ёндашувини тақозо этади. Шу жиҳатдан, Президентимизнинг Туркий давлат-

лар университетлари иттифоқига Ўзбекистоннинг 2025-2026 йилларда расмий қилини ҳақида сўз юритиб, бу соҳадаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш ниятини билдиргани беҳиз эмас. “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари”ни ўтказиш ташаббуси, Туркий давлатлар халқаро университетининг фаолиятини йўлга қўйиш — буларнинг барчаси умумтуркий таълим маконини шакллантиришга хизмат қилади. Бу йўналишда ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, қўшма тадқиқотлар ва стартапларни молиялаштириш каби амалиётлар муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, туркий халқлар маънавияти ва адабиётининг буюк намояндалари — Алишер Навоий ва Низомий Ганжавий меросини кенг тарғиб этиш ташаббуси ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Бу ғоя туркий давлатлар ўртасида маданий яқинлиқни янада кучайтиради, маънавий бирлиқни мустаҳкамлайди.

Гувоҳи бўлганимиздек, юртимизнинг Туркий давлатлар ташкилотидаги ўрни жуда аниқ белгиллаб берилди. У — ташаббускор, бирлаштирувчи ва амалий натижаларга йўналтирилган марказ. Саммитда билдирилган ҳар бир таклиф, ҳар бир ғоя бугунги Ўзбекистон ташки сиёсатининг моҳиятини, яъни ишонч, ҳамжиҳатлик ва прагматизм тамойилларини намоён этди.

Ўзбекистоннинг бугунги дипломатияси — бу фақат ташки муносабат эмас, балки миллий иқтисодий ривожланиш, минтақавий барқарорлик ва глобал ҳамкорлик манфаатларига хизмат қиладиган стратегия. Давлатимиз етакчисининг нутқи ана шу фалсафанинг дипломатик ифодаси бўлди.

Умуми қилиб айтганда, Габала саммити туркий давлатлар интеграциясида янги босқични бошлаб берди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи эса бу жараёндаги сиёсий ва иқтисодий мазмунини белгиллаб берган дастурий ҳужжат сифатида тарихда қолади.

Нодир ЖУМАЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Ўзаро ишонч ва ҳаракатлар дастури

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқи — бугунги мураккаб геосиёсий шароитда туркий давлатларнинг бирдамлиги ва ўзаро ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим стратегик дастур бўлди.

Давлатимиз раҳбари адолатли дунё тартиботини шакллантириш, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида туркий мамлакатларнинг ягона позицияси муҳим эканини алоҳида таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, Туркия Президентини Режеп Таййип Эрдоғанининг конструктив ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам мамлакатимиз ташки сиёсатининг асосий йўналишига тўлиқ мос келади.

Президентимиз таклиф этган янги ташаббуслар — бу фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайдиган амалий механизмлар.

Хусусан, Туркий давлатлар ташки ишлар вазирлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг мунтазам учрашувларини йўлга қўйиш таклифи минтақавий хавфсизлик ҳамда ишонч муҳитини кучайтириш учун жуда долзарб.

Иқтисодий соҳада Президентимиз томонидан билдирилган ғоялар, яъни “Янги иқтисодий имкониятлар макони”ни яратиш, Туркий инвестиция жамғармаси ва Саноат альянсини ташкил этиш, “Яшил энергетика” ҳамда “яшил йўлаklar” тизимига ўтиш мамлакатларимиз иқтисодиётини интеграция қилишда янги босқич бўлади.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси.

КЎП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги иштироки нафақат туркий дунё, балки бутун Евроосиё минтақавий муносабатлар тизими учун муҳим воқеа бўлди. Айниқса, тарихий нутқ

ва илгари сурилган долзарб ташаббуслар кўплаб сиёсатчилар, олимлар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари ва экспертлар томонидан кенг эътироф этилиб, яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Зеро, у келгуси йиллар учун аниқ

векторни белгилаб берувчи концептуал ҳужжатдир. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари бу ҳақда ўз муносабатини билдирди.

Муштарак мақсадлар уйғунлиги

Давлатимиз раҳбари Габала саммитидаги нутқида қисқа муддатда жадал ривожланиб бораётган нуфузли халқаро тузилмалар қаторига кирган Туркий давлатлар ташкилотининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлаб, қатор аниқ тақлиф ҳамда ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, мамлакатимиз етакчисининг ТДТ мамлакатлари ташқи сиёсий идоралари ва махсус хизматлари раҳбарларининг қўшма учрашувларини ўтказиш ва бундай форматдаги биринчи йиғилишни келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этиш тақлифи гоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу зарур қарорларни қабул қилиш учун глобал вазиятни янада чуқурроқ таҳлил этиш имкониятини беради.

Ўз навбатида, Габала янги геосиёсий воқеликлар қаршисида ташкилот саммити иштирокчилари унинг кейинги йўналишини белгилашга ҳаракат қилган майдончага айланди. Президентимизнинг реализм ва стратегик фикрлашининг мувозанатли синтезини тақдим этган чиқиши бир қатор ўзаро боғлиқ вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ташаббуси ҳам энг муҳим қадиқлардан бири бўлди. Кўп қиррали шериклиkning динамикасини кенгайтириш ва тезлаштиришни кўзда тутувчи ушбу ҳужжатларда бир қатор аниқ йўналишлар, чора-тадбирларни акс эттириш мумкин.

ТДТни 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида транспорт ўзаро боғлиқлигини мустақамлаш ва халқаро транзит йўналишларини ривожлантириш соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни олиб боришни назарда tutиш мумимдир. Ўзбекистон Ўрта йўлакни изчил ривожлантириш режаларини қўллаб-қувватлайди ва ушбу йўналишнинг рақобатбардорлигини таъминлаш ҳамда бизнес ҳамжамияти учун энг қулай шароитларни яратиш муҳимлигини таъкидлайди.

Шунингдек, бўлажак стратегияда йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун самарали молиявий воситаларни жорий этиш зарур. Президентимиз Туркий инвестиция ҳамгармаси фаолиятини кенгайтириш, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро ва миллий молия институтлари билан Стратегик ҳамкорлик дастурини қабул қилиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Саммитнинг муҳим натижаси ТДТ XII саммити якуни бўйича имзоланган Габала декларацияси бўлди. У аъзо давлатлар ўртасидаги кейинги ҳамкорлик йўналишини белгилаб берувчи ўзгис хос дастурий ҳужжатга айланмоқда.

Ушбу ҳужжат мустақиллик, суверенитет ва ҳудудий яхлитлик таъминиларига содиқлиқни тасдиқлайди ва туркий ҳамжамият ичида ўзаро ишонч ва бирдамликни мустақамлаш зарурлигига эътибор қаратади. Шунингдек, декларация сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик ва гуманитарит соҳалардаги кўп томонлама алоқаларни кучайтиришни, интеграцияни чуқурлаштиришга ва тизимли ўзаро ҳамкорликка интилишни назарда tutади.

Асосий элементлар орасида Ўрта йўлак ва Зангезур йўлаги каби транспорт-логистика тармоқларининг минтақанинг интеграцион салоҳияти магнитли сифатидаги ролини алоҳида қайд этиш жоиз. Асосийси, декларация мамлакатларга ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ташқи ҳамкорлар билан шериклик қилиш имкониятини берадиган янги форматнинг ишга туширилишига ишора қилувчи ситгналдир.

Шу нуктаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Габаладаги чиқишини ташкилот ҳаётида уни янада самарали шаклга келтиришга йўналтирилган янги босқиннинг бошланишига қадиқси сифатида баҳолаш мумкин. Имзоланган Габала декларацияси эса ТДТ мамлакатларининг амалий кооперацияси учун муҳим дастуриламал ва йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

Тараққиёт пойдевори

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида иштироки халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Мазкур саммитда давлатимиз раҳбари ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларига иштирокчилар эътиборини қаратди. Булар Ўзбекистонда бугун кун тартибига қўйилган, узоқ муҳокама қилинган ва доимий диққат марказимизда бўлиб келаётган масалалар экани билан алоҳида аҳамиятлидир.

Хусусан, “яшил энергетика”, “яшил водород ва аммиак” лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, илгор технологиялар, стандартлар ва компетенцияларни жалб қилиш, давлат ва хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш учун “Яшил трансформация” консорциумини ташкил этиш, стратегик минераллар базасини ўзлаштириш каби янги ташаббуслар илгари сурилди.

Биз, Ўзбекистон Экологик партияси сифатида жаҳондаги энг ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқиб, бугунги ва келажақ тараққиётнинг асоси “яшил” параметрлар инобати олинган ҳолда ташкил қилинган иқтисодий муносабатлардан иборат эканини кузатдик. Партиянинг дастурий мақсадларини белгилашда ҳам шуни доим тоъкидлаб келямиз. Бизнинг тақлифларимиз давлат миқёсида инобатга олиниб, стратегик фаолиятга жалб этилгани аини мудида бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаган масалалар, жумладан, “яшил” энергетика Янги Ўзбекистонда жадал амалга оширилиб келаётган фаолият тури ҳисобланади. Энди эса давр бу фаолиятни туркий давлатлар билан ҳамкорликда янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Бунда атроф-муҳит ва экологияга етказиладиган зарарли таъсирлар янада камайиши ҳамда хавфсиз, экологик тоза ва ҳамён-

боп махсулотлар ишлаб чиқариш кўламини ошириш учун катта имкониятлар юзюга келади. Айни сабабга кўра, мазкур тақлиф саммит иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, деб айта оламиз. Бу борада илгари сурилган “хомашё — қайта ишлаш — илм ва технологиялар — тайёр махсулот” тамойили асосида амалий Ҳамкорлик дастурини қабул қилиш тақлифи ҳам барча туркий давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Демографик ўсиш суръати, айниқса, туркий давлатларда кўпроқ кузатилаётган ҳозирги давримизни айланма иқтисодиётсиз мулақо тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида, бу табиат ресурсларидан ўринли ва оқилона фойдаланиш, чикинди утилизациясини тўғри бошқариш, яъни ишла-тилган махсулотни яна қайта ишлашга жалб қилиш орқали тупроқ, сув, ҳаво ва бошқа тирик организмларга етадиган экологик хатарларни ҳам бартараф этган бўламиз. Катта миқдордаги чи-

Ўзбекистон — МДҲ: ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ПЛАТФОРМАСИ

1 Биринчи Инновацион ривожланиш форуми иштирокчилари эса замонавий технологияларни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқди ва истиқболли инновацион лойиҳаларни илгари суриш ва тижоратлаштириш борасида МДҲга аъзо давлатларнинг инновацион ҳамкорлик бўйича Давлатлараро дастури имкониятларини муҳокама қилди.

Шу йилнинг 7-8 август кунлари эса Самарқандда Ҳамдўстлик мамлакатларида сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга бағишланган халқаро форум ташкил этилди. Икки кунлик форум давомида бешта сессия ўтказилди ва уларда сунъий интеллект соҳасидаги долзарб масалалар ва янги тенденциялар, бизнес-учрашувлар, тажриба ҳамда инновацион ечимлар алмашинуви, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур халқаро форум МДҲ давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқур-

лаштириш, умумий сиёсат ва стандартларни мувофиқлаштириш, инновацион ечимларни биргаликда ишлаб чиқиш ва янги илмий-техник истиқболларни белгилаш учун муҳим майдон вазифасини ўтади.

Душанбе саммити доирасида, шунингдек, “Марказий Осиё — Россия” мулоқоти шаклидаги навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот кун тартибиде, аввало, халқаро ва минтақавий муаммолар, хавфсизлик, халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича қўшма ташаббуслар ва бошқалар каби долзарб масалаларга эътибор қаратилади.

Ишонч билан айтиш мумкин-ки, Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги саммитлар ва уларнинг якунлари мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида Ҳамдўстлик маконида кўп томонлама муносабатлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

«Ҳукумат соати»

Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш масаласи кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масала юзасидан депутатларнинг саволларига Раҳамли технологиялар вазирни Шерзод Шерматов жавоб берди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси асосида сунъий интеллект миллий моделини ишлаб чиқиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланаётган дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш жараёнини жадаллаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирнинг маълум қилишича, 2030 йилгача мўлжалланган стратегия доирасида маълумотларни қайта ишлаш ва сунъий интеллект асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур техник инфратузилма яратиш ишлари олиб борилмақда. Тикланиш ва тараққиёт ҳамгармаси томонидан ажратилган маблағлар “катта маълумотлар” (Big Data) базасини шакллантириш, ҳисоблаш кластерлари, график ишлов бериш блоклари ва замонавий серверларни жорий этишга йўналтирилмоқда. Мазкур инфратузилма орқали сунъий интеллект соҳасидаги ўнлаб устувор лойиҳалар ихросини ва мамлакатимизнинг технологик жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш имконияти яратилади.

Айни пайтда мамлакатимизда “катта маълумотлар” базасини яратиш бўйича амалий қадамлар қўйилган. Ҳозирда турли соҳаларда фаолият юритаётган 15 та ташкилотдан маълумотлар йиғиб борилмақда. Электрон ҳукумат тизими асосида 90 мингга яқин маълумотлар тўплами шакллантирилган. Жумладан, ўзбек тилидаги “катта тил модели”ни яратиш мақсадида 10 млрд. сўздан иборат ўзбек тили корпуси тузиш ишлари олиб борилмақда. Мазкур ўзбек тилидаги маълумотлар китоблар, мақолалар, ўқув ва илмий нашрлар, шунингдек, бошқа электрон шаклдаги материалларни ўз ичига олади.

2025-2026 йилларда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллектни қўллаш бўйича жами 64 та ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган сунъий интеллект технологияларини жорий этишга қаратилган 22 та устувор лойиҳа рўйхати тасдиқланган. Мазкур лойиҳалар соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ ва божхона соҳаларини қамраб олади.

Масалан, шаҳарлараро автобус қайдовчиларининг ухлаб қолиши ёки чалғиси ҳолатларини сунъий интеллект орқали аниқлаш, давлат харидларида шубҳали шартномаларни автоматик таҳлил қилиш, электр энергияси юкламаларини прогностлаш, суд ҳаракатларини ҳисоблаш каби вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Уларнинг бажарилиши келгусида юзюга келиши мумкин бўлган ортиқча харажатлар ва иқтисодий қоньонотлардаги салбий ўзгаришларни олдиндан аниқлаш имкониятини беради.

Депутатлар сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди.

Вазирнинг қайд этишича, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, 2030 йилга қадар сунъий интеллект соҳасида камида 1000 нафар юқори малакали мутахассис тайёрлаш вазифаси қўйилган. 2024/2025 ўқув йилида мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш бўйича жами 13 та олий таълим муассасасида 1050 та ўрин ажратилган.

Шу билан бирга, “Бир миллион ўзбек сунъий интеллект фойдаланувчилари” лойиҳаси доирасида “omp.aistudy.uz” платформаси орқали кенг жамоатчилик учун онлайн таълим имкониятлари яратилган. “NVIDIA” ва бошқа етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорликда амалий семинарлар ўтказилмоқда.

“Ҳукумат соати”да Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаларининг сифатли ва ўзи вақтида қиритилиши, қонун ижодкорлигини самарали ривожлантириш мақсадида сунъий интеллект технологияларини қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қўйи палатада қонун ижодкорлиги жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича қонун лойиҳаларини “генератив” сунъий интеллект технологияси ёрдамида тайёрлаш, “Катта тил модели” асосида халқаро тажрибани таҳлил қилиш, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва фуқаролар мурожаатларини қабул қилишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш каби бир қатор тақлифлар билдирилди.

Рақамли технологиялар вазирлигига ҳар ярим йилликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ахборот тақдим қилиб бориш, 2026 йилда сунъий интеллект технологиялари бўйича халқаро конференция ташкил этиш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнларига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш юзасидан 2026 — 2029 йилларга мўлжалланган амалий иш режасини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилиди.

“Ҳукумат соати” якунида кун тартибидеги масала юзасидан Рақамли технологиялар вазирни Шерзод Шерматовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Ушбу йўналишда фаол ҳамкорлик қилиш ва самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Рақамли маркировка тизими жорий қилинган товарларнинг яроқлилик муддати ўтган бўлса, уларнинг савдоси 2026 йил 1 мартдан ушбу тизим орқали автоматик равишда чекланади.

